

# Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил  
1 май,  
жума  
№ 17  
(1103)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни табиатни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, “яшил” иқтисодиёт таъминлашнинг жорий этиш ва экологик маданиятни юксалтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноят, қурилиш, транспорт ва коммунал соҳалардаги жадал ривожланиш табиатга таъсир этувчи омилларни қатъий назорат қилишни, экологик талабларга риоя этишни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тақдимотда экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳолати таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, 2024 йилда 47 мингдан зиёд маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, 2025 йилда улар сони 59 мингдан ошган. Амалдаги тартибда жазмалар миқдори етказилган экологик зарарга мутаносиб эмаслиги сабабли баъзи корхоналар учун ҳуқуқбузарликни бартараф этишдан кўра, жарима тўлаб, фаолиятни давом эттириш қулайроқ бўлиб қолмоқда.

Шу боис, юридик шахсларга нисбатан молиявий санкцияларни қайта кўриб чиқиш, уларни табиатга

етказилган зарар миқдорига боғлаш ва халқаро амалиётга яқинлаштириш таклиф этилди. Жумладан, дарё ўзанидан норуца материаллари ноқонуний қазиб олиш, сув ресурсларини ифлослантириш, дарахт ва буталарни ғайриқонуний кесиш, атмосфера ҳавосига белгиланган меъёрдан ортқ ташламалар чиқариш, қурилиш майдонларида чанг ва кум зарраларининг ҳавога кўтарилишига йўл қўйиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларда ёқиш каби ҳолатлар учун таъсирчан молиявий чоралар жорий этиш кўзда тутилган.

Бу жараёнда маъмурий жарима ва табиатга етказилган зарар учун компенсация тўловини ягона молиявий санкцияга бирлаштириб, корхона айбини тан олган ҳолатларда уни Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси томонидан қўллаш, низоли ҳолатларда эса масалани суд тартибиде кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини жорий қилиш таклиф этилди.

Тақдимотда Угом дарёсининг табиий мувозанатини тиклаш ва унинг ноёб табиий меросини сақлаш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Угом дарёси ва унинг ҳавзаси Угом – Чотқол миллий табиат боғи тартибидеги муҳим экологик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўнлаб ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари, шу жумладан, Қизил китобга киритилган турлар мавжуд. Дарё Чирчиқ ҳавзасининг сув таъминотида ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Таҳлилларга кўра, кейинги йилларда Угом дарёсида сув сарфи камайиб, сув сифатига таъсир этувчи омиллар кўпайган. Бу ҳолат қирғоқларнинг емирилиши, фауна ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатиши, биохилма-хиллик қисқариши хавфини оширмоқда.

Шу боис, Угом дарёси ва унга таша ҳудудларни давлат гидрологик табиат ёдгорлиги деб эълон қилиш, соҳилбўйи ва сувни муҳофаза қилиш зоналарида табиий гидрологик тизимга таъсир кўрсатувчи қурилиш ва ер ишларини чеклаш таклиф этилди. Шунингдек, сув муҳофаза зоналаридаги объектларни хатловдан ўтказиш, уларнинг сув сифати ва биофаунага таъсирини баҳолаш вазифалари белгиланди. Экологик талабларга жавоб бермайдиган фаолиятларни тўхтатиш ёки бошқа жойга кўчириш масаласи кўриб чиқилади.

Қолаверса, дарёнинг гидрологик ва экологик ҳолатини барқарор ривожлантириш бўйича “Угом дарёси экотизимини яхшилаш” мастер режасини ишлаб чиқиш, соҳилбўйи ва муҳофаза зоналарида ер деградациясининг олдини олиш учун дарахт ва буталар экиш кўзда тутилган.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ишлар ҳам атрофчи таҳлил қилинди. 2025 йилда санитар тозалаш хизмати қамрови маҳаллалар кесимида 88 фоизга етди, соҳага махсус техникалар, мотороллерлар ва контейнерлар етказиб берилди,

132 та полигон атрофи кўкаламзорлаштирилди, 47 та полигон фаолият тўхтатилди.

Жорий йилда санитар тозалаш корхоналарига қўшимча махсус техника ва контейнерлар етказиб бериб, қамровни 90 фоизга етказиш, 18 та полигонни рекултивация қилиш, 2030 йилга бориб, полигонлар сони 50 фоизга қисқартириш режалаштирилган.

Чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини қуриш орқали логистика харажатларини камайитириш, саралаш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш, полигонларга тушадиган юкларни қисқартириш муҳимлиги таъкидланди. 2026 йилда 28 та, 2030 йилгача эса 70 та қайта юклаш станциясини қуриш кўзда тутилган.

Маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларининг бориши тўғрисида ҳам ахборот берилди. Умумий қиймати 933 миллион доллар бўлган 6 та заводни қуриш ишлари Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида амалга оширилмоқда. Бу заводлар ишга тушгач, йилига 3,6 миллион тонна қаттиқ маиший чиқинди қайта ишланиб, 1,6 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Кейинги босқичда 633 миллион долларлик яна 5 та завод қуриш билан боғлиқ ишларни бошлашга кўрсатма берилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Сўнгги йилларда мамлакатимизда экологияга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, уни тартибга солувчи қонунчилик базаси изчил такомиллаштирилмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳар бир инсонда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳисси шаклланмоқда.

### Моҳият

## ЯНГИ ҚОНУН

ҳуқуқий жавобгарлик муқаррарлиги ва экологик маданиятни таъминлашга қаратилган



Хусусан, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарахтларни муҳофаза қилиш ва яшил майдонларни кенгайтириш, уларни сақлаб қолиш борасида тизимли чоралар қурилмоқда. Шунингдек, атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилишга, экологик хавфсизликни назорат қилишда қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►



**Анвар ТҮЙЧИЕВ,**  
Олий Мажлис Сенати  
Аграр, сув ҳўжалиги  
масалалари ва экология  
кўмитаси раиси

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида қонун устуворлиги ва жамоат тартибини таъминлаш муҳим вазифалар сирасига қиради. Бу борада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс алоҳида ўрин тутаяди. Зеро, ушбу кодекс жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат органлари фаолиятини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий механизм сифатида хизмат қилмоқда.

### Менда таклиф бор

## Такомиллаштириш зарурияти

амалдаги қонунларга тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этади



Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қамровли ҳуқуқий ислохотлар амалга

оширилди. Жамият ҳаётининг жадал ўзгариши, иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви ва рақамли технологияларнинг ривожланиши амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

## Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги ишлар самардорлигини янада ошириш, тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юқини камайитириш, киберхавфсизликни таъминлашга доир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

### Парламент фаолияти



## АҲОЛИ ЭКСТРЕМИЗМ-ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Дастлаб депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига экстремизмга қарши курашиш самардорлигини оширишга

қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди.

(Давоми 2-бетда) ►

Битимлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг онгли, аниқ мақсадга қаратилган, эрк-иродаси асосидаги хатти-ҳаракатлари бўлиб, уларни амалга ошириш орқали муайян ҳуқуқий оқибатлар вужудга келади.

### Ҳуқуқий маърифат



## Битим қачон ҳақиқий эмас деб топилади?

Масалан, қарзга пул бериш қарзга пул берган шахсда, яъни қарз берувчида қарзни қайтариб олиш ҳуқуқи, қарзни олган шахсда – қарздорда эса, қарзга олган пулни ёки ашёларни қайтариш мажбуриятини вужудга келтиради.

Қонун доирасида амалга оширилган битим натижасида юзага келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий жиҳатдан

ҳар томонлама таъминланади. Бунда фуқаролик ҳуқуқлари қонунчиликда белгиланган усуллар орқали ҳимоя этилади.

Албатта, битимлар ҳар доим ҳам қонунчилик талабларига, тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига мувофиқ келавермаслиги мумкин.

(Давоми 4-бетда) ►

### Жамиятимиз мақсади

## Аёл ва бола ҳуқуқлари ҳимояси — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши




Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада қабул қилинаётган қонун ва қарорлар жамиятда адолатли муҳитни шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай зўравонликка қарши муросасиз муносабатни қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

### Долзарб мавзу

## Қонун моҳияти ва талабини англаш

турли хил низолларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади



Мамлакатимизда бошқа соҳаларда бўлгани каби уй-жой қуриш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, фуқароларга тегишли турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг мустаҳкам қонуний асослари яратилган.

Хусусан, уй-жойга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишда кўмаклашиш мақсадида, 2024 йил 5 августда “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда) ►



Ўлмас УМАРБЕКОВ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

У билан бир кўча бўлиб биринчи марта мактабга борганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Ёқалари елкаларига тушиб турган оқ шохи кўйлак кийган эди. Бошида қанотлари кенг оқ шляпа. Ҳозир эсимда йўқ, ўша йиллардан хотира си-

фатида уйимизда бир сурат бўлиши керак. Унда Шарифа, Ҳақима, мен боримиз. Бозор ёнидаги суратхонада олдирилган эди. Турган бўлиши керак. Шу суратдаги нигоҳидан ҳам Ҳақиманинг қувноқлиги, ақллилиги шундай сезилиб турарди.

(Давоми 4-бетда) ►

## Парламент фаолияти

## Қонунчиликдаги янгиликлар

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, тажовузкор уришларнинг олдини олиш, ёшларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жамоат хавфсизлиги ва тартибга таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга экстремизмнинг олдини олиш, бу ҳақда хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва

ҳимоя қилиш, экстремистик ташкилотларни белгилаш тартибларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Бундан ташқари "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Аҳоли бандлиги тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида" ва "Билан бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги қонунларга ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Тадбиркорнинг овора бўлишига йўл қўйилмайди

Мажлисида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларида ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, солиқ тўловчи бўлган тадбиркорлик субъекти ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлигини тан олганда ва эътироз билдирмаганда, тадбиркорнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ҳуқуқбузарлик бартараф

этилганда, ҳисобварақ фаолиятига қўйилган чекловни бекор қилиш ҳам солиқ органи томонидан амалга оширилиши тақдир қилинмоқда. Эндиликда қонунда бу эътироз бўлмаганда, иш судга етиб бормайди.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи солиқ органининг қарорига нисбатан эътироз билдирса, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органининг аризасига асосан иқтисодий суд томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



## Кибержиноятларга қарши курашиш — устувор вазифа

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Кескин ўсиб бораётган кибержиноятларга қарши курашиш, бу билан шахс, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш зарурати ортиб бормоқда.

Расмий маълумотларга кўра, кейинги йилларда банк карталари орқали маблағларни талон-торож қилиш, онлайн фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатлар кўпаймоқда. Бу эса, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг самарали комплекс ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳасида кибержиноятларга қарши курашиш фаолиятида иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги ушбу йўналишда ваколатли орган

сифатида белгиланмоқда. Давлат органлари, банклар, тўлов ташкилотлари ҳамда Интернет-провайдерларнинг масъулияти оширилмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шубҳали молиявий операцияларни мунтазам мониторинг қилиш ва ваколатли органларга тезкор ахборот тақдим этиш каби вазифалар шулар жумласидан.

Кибержиноятлардан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш институти жорий этилмоқда. Ҳужжат жабрланганларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, уларнинг қонуний манфаатларини тиклаш, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда молиявий ва рақамли саводхонлигини ошириш каби мақсадларни кўзда тутиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари соҳада кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам қамраб олинган.

Муҳокамалар якунига кўра, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

## ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хавфли чиқиндиларни бошқариш бўйича МДХ ҳудудида илк интеграциялашган платформа яратиш тақдир қилинди. Навоий вилоятда амалга оширилиши режалаштирилган мазкур инвестиция лойиҳаси доирасида хавфли чиқиндиларни лабораторияда тавсифлаш, махсус полигон ташкил этиш, чиқиндилардан RDF ёқилги ишлаб чиқариш, физик-кیمیёвий ва термик қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Лойиҳа қиймати 260 миллион доллар бўлиб, йилга 330 минг тонна хавфли чиқиндини қайта ишлаш қуввати яратилади. Унинг амалга оширилиши экологик барқарорликни таъминлаш, янги стандартлар ва илғор технологияларни жорий этиш, маҳаллий кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Қайд этилганидек, 2017 йилда қурилиш чиқиндилари ҳажми 1,2 миллион тоннани ташкил этган бўлса, 2025 йилда 1,9 миллион тоннага етган.

Шу муносабат билан қурилиш чиқиндиларини "ҳосил бўлишдан утилизациягача" бўлган жараёнини тўлиқ назорат қиладиган рақамли платформа яратиш, чиқиндилар ҳаракатини GPS орқали реал вақт режимида кузатиш, полигонларда саралаш ва қайта ишлаш комплексларини ташкил этиш тақдир қилинди.

Шунингдек, қурилиш объектларини қабул қилишда чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича шартнома шартлари бажарилганини мажбурий талаб сифатида белгилаш, ноқонуний ташлаш ҳолатларини фото ва видео қайд этиш орқали аниқлаш ҳамда жавобгарлик чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Тақдимотда муҳоғаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш бўйича лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, "Фарғона" миллий табиат боғи таркибидаги "Ёзёвон" табиат ёдгорлиги ҳудудини муҳоғаза қилиш, дендрологик боғ ташкил этиш, қузатув миноралари, махсус дронлар ва рақамли мониторинг тизимлари орқали назоратни кучайтириш режалаштирилмоқда.

Ушбу ҳудудда ташриф маркази ташкил этиш, пиёда сайр маршрутлари, қушларни қузатиш майдонлари, фото ва панорама нуқталари, илмий-маърифий экскурсиялар йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, "Овжасзой — Мовий тоғлар" миллий табиат боғи ҳудудида ҳам экологик туризмини ривожлантиришга қаратилган объектлар бар-

по этиш тақдирлари кўриб чиқилди. Бунда табиий манзаралар ва тоғ экотизимларини асраб-авайлаган ҳолда сайёҳлар учун қулай инфра-тузилма яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдимотда жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "ECO EXPO Central Asia 2026" халқаро кўргазмаси ва Глобал экологик жамғарманинг 8-Ассамблеясига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Глобал экологик жамғарма 186 та иштирокчи давлатни бирлаштирган йирик халқаро молия институту бўлиб, Ўзбекистон унга 1995 йилда қўшилган. Ассамблеянинг Самарқандда ўтказилиши Европа, Кавказ ва Марказий Осиё минтақасида илк бор ташкил этилаётган йирик экологик анжуман бўлади. Тадбирда 186 давлатдан 2,5

минг нафар иштирокчи, 40 та донор давлат, 50 дан зиёд нуфузли табиат муҳоғазаси қилиш ташкилотлари ва халқаро экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

"ECO EXPO Central Asia 2026" кўргазмаси эса маҳаллий саноат, ҳокимликлар, халқаро молия институтлари, инновация "яшил" технологиялар провайдерлари ва инвесторлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган тақдирларни маъқуллаб, табиатни муҳоғаза қилиш соҳасида назорат ва жавобгарликни кучайтириш, чиқиндиларни бошқаришда замонавий тизимларни жорий этиш, сув ресурслари ва биохилма-хилликни асраш, муҳоғазаси қилинадиган табиий ҳудудларни илмий асосда ривожлантириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фармонда белгиланганидек, никоҳ ёшига етмаган шахслар билан оилавий муносабатлар боғлаш ҳолатларининг олдини олиш давлат ва жамиятнинг асосий мақсадларидан биридир. Эрта никоҳ кўп ҳолларда ёшларнинг таълим олиш имкониятини чеклайди, уларнинг ижтимоий ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги масъулиятини ошириш ва жамиятда бу каби ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш вазифаси олдинга сурилган.

Шунингдек, ёшлар ўртасида онгли равишда оила қуришни рағбатлантириш мақсадида, 2027 йилдан бошлаб, ҳар икки томон ҳам 21 ёшга тўлганда биринчи марта никоҳдан ўтган ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар тақдим этилиши белгиланди. Агар бундай оилалар Ижтимоий реестрга киритилса, уларга ажратиладиган субсидия, грант ва ссудалар миқдори белгиланган меъёрга нисбатан 1,5 бараварга оширилган ҳолда белгиланди.

Бундан ташқари оилавий турмушга никоҳ шартномаси орқали қадам қўйиш истиқомат бўлган ёшлар учун алоҳида имтиёз жорий этилди. Улар никоҳни қайд этганлик учун давлат божини тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

Фармонда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган, айниқса, диққатга моликдир. Унга кўра, ҳомиладор талаба-қизлар ёки уч ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан

## Жамиятимиз мақсади

## Аёл ва бола ҳуқуқлари ҳимояси —

шуғулланаётган талабалар "иккинчи имконият" ташаббусидан баҳраманд бўладилар.

Яъни 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб, ушбу тоифадаги талабаларга фанлар фарқини қайта ўзлаштириш шартини таълимнинг давом эттириш имконияти берилади. Бу эса, ёш оналарнинг таълимдан узилиб қолмаслигини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим қадамдир.

Фармонда эрта никоҳ ва воёга етмаганлар ҳомиладорлиги билан боғлиқ ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ҳам назарда тутилган. Маҳалла, ФХДЭ органлари, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда диний ташкилотлар вакиллари эндиликда 16 ёшгача бўлган эрта никоҳ ёки ҳомиладорлик ҳолатлари ҳақида ички ишлар органлари ва "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларини хабардор қилиш шарт. Бундай ҳолатлар ҳақида хабар бермаслик эса, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Зўравонликка қарши курашни сезиларли тарзда кучайтиришга қаратилган чоралардан яна бири — рақамли технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор масаласидир. Жо-



## давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши

рий йил 1 апрелдан бошлаб, ҳимоя ордери олган жабрланувчи хотин-қизларнинг телефон ва бошқа қурилмаларига "SOS" чақирув функциясига эга махсус мобил илова ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, таъйиқ ва зўравонлик ҳолати юз берганда тезкор равишда ёрдам чақириш имконини беради.

Шу билан бирга, аёллар ва болаларга нисбатан содир этилган жиноятлар бўйича жавобгарлик кучайтирилади. Хусусан, воёга етмаганларга нисбатан жинсий эркинликка қарши жиноятлар содир этган шахслар учун жазо чоралари оғирлаштирилиши, айрим ҳолатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш тақдир қилинмоқда. Буларнинг барчаси жамиятда бундай жиноятларга нисбатан муросасиз муносабатни янада кучайтириши тайин.

Фармон ижроси доирасида судлар ва тергов органлари зиммасига ҳам

алоҳида муҳим вазифалар юклатилди. Аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари, 2027 йилдан бошлаб, қоида тариқасида, махсус тайёргарликдан ўтган терговчилар ва судьялар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.

Юқорида қайд этилганлардан кўри-ниб турибдики, Президентимиз Фармони мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янги bosқичга олиб чиқади. Бинобарин, ушбу ҳужжат эрта никоҳ билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларда ҳурмат ва масъулиятни кучайтириш, зўравонликка қарши қатъий курашиш орқали жамиятда соғлом ва барқарор муҳитни шакллантириш омилига айланади.

Жамила СУЛТОНОВА,  
Хоразм вилояти  
маъмурий суди раиси

## Долзарб мавзу

## Қонун моҳияти ва

рар жойларига ҳамда ултар эгаллаган ер участкасига;

- 2020 йил 9 мартга қадар кичик саноат зоналари ҳудудида жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг яшаш учун мўлжалланмаган бинолари ва иншоотлари ёки уларнинг қисмлари жойлашган ер участкасига;

- хусусийлаштирилган бинолар ва иншоотлар эгаллаган ер участкасига;

- фуқаролар, яқна тартибдаги тадбиркорлар ва резидент бўлган юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи эътироф этилган бинолари ва иншоотлари эгаллаган ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш асослари ва тартиби белгилаб берилди.

Натижада ушбу қонунга асосан, кўллаб фуқароларнинг илгари қуриб, фойдаланиб келаётган уй-жойларига нисбатан мулк ҳуқуқлари қонунчилиги эътироф этилди. Уларнинг қатор йиллардан буён давом этиб келган муаммолари шу тариқа ечим топди.

2018 йил 1 майга қадар ортиқча эгаллаган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга;

- ўзбошимчилик билан қурилган яқна тартибдаги уй-жойларга бўлган мулк ҳуқуқини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, ташкил этилган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан эътироф этиш мумкин деб топилганлиги ҳолларига ёки уни эътироф этиш рад этилганлиги ёхуд аризаларнинг кўриб чиқилиши бир марталик умумдавлат акциясининг мuddати ўтганлиги сабабли яқнига етмаганлиги ҳолларига;

- 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига кўра, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фуқароларга, яқна тартибдаги тадбиркорларга ёки резидент бўлган юридик шахсларга ажратилган, тасдиқлаш масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаган ер участкасига (бундан шундай ер участкасига икки йил ичида бинолар ва иншоотлар қурилмаган ёки уларнинг қурилиши бошланмаган ёхуд ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилган ҳоллар мустасно);

- фуқароларнинг боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги ту-

Бу каби қурилмалар, Фуқаролик кодексининг 212-моддасига асосан, қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмадсан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчилик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Шунингдек, бундай иморатлар ўзбошимчилик билан иморат қуриш оқибатида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвосига асосан, суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланади.

Бундан ташқари бундай қонунбузилиши ҳолатини содир этган айбдор шахсларга нисбатан нафақат фуқаролик-ҳуқуқий, балки маъмурий чоралар ҳам қўлланилади. Аниқроғи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддасига кўра, ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари, мансабдор шахсларга эса, етмиш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Экология ва қўлим ўзгариши миллий кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатлар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларида устувор вазифаларни белгилаб, замонавий талаблар асосида тезкор ва самарали амалга оширишга, шунингдек, бу йўналишларда давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳаси 30 дан орტიқ қонун, 300 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмоқда.

Бироқ ўрганишлар, ўтказилган таҳлиллар натижалари экологик хавфсизликни таъминлаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, айниқса, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Нега деганда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий санкциялар миқдори содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда келиб чиқадиган оқибат миқдорига нисбатан муносабат эмас.

**Биринчидан**, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдорининг таъсирчанлиги камлиги сабабли улар ўз тарбиявий ва профилактик аҳамиятини кўрсата олмаётди. Масалан, дарёларнинг ўзанларини тозалаш ва киргоқларини мустаҳкамлаш ишларини руҳсатсиз бажарганлик учун 20 миллион сўмдан 41 миллион сўмгача жарима белги-

ланган бўлса-да, ўтган бир йил давомида бу борада 300 га яқин ҳолат аниқланган. **Иккинчидан**, маъмурий жарималар мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилиши корхоналар учун муайян бир сезиларли молиявий юклама кўрсатмасдан, уларнинг ҳақиқий мулкдорларида “жазосизлик туйғуси” шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Айтайлик, ифлослантурувчи моддаларни нормативдан ортиқча атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаётган корхоналар ижро этувчи органга қўлланилган 2,8 миллион сўм жаримани тўлаб бериб, ўз

**шимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**”ги қонун сенаторлар томонидан маълумлангани муҳим аҳамиятга эга.

Янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва амалдаги иккита қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун янги 54-61-моддалар билан тўлдирилмоқда. Шу асосда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик

ташланганлик учун, тоифаларига қараб (атроф-муҳитни таъсир кўрсатишининг атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг 2 бараваридан – 10 баравари миқдоригача);

- қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик учун (атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг 3 баравари миқдорига);

- ёқилгини, моддаларни, материалларни ва чиқинди-

ни ихтиёрий равишда тўламаган ҳолларда, масала суд тартибида ҳал этилиши қайд этилмоқда.

Шунингдек, молиявий санкциялар қўлланилган айни бир ҳуқуқбузарлик учун қайта маъмурий жазо чорасини қўллашга йўл қўйилмаслиги назарда тутилмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддаси (атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик) янги қисмлар билан тўлдирилмоқда.

Бунда, аввало, ёқиш учун мўлжалланмаган жойларда ёқи қурилмаларда ёқилгини, ёқилги сифатида фойдаланиладиган моддаларни, ёқилги ҳисобланмайдиган материалларни ва чиқиндиларни очик аланга олдириб ёқиш, шунингдек, иссиқхоналарда, ишлаб чиқариш биноларида, ёндириш ускуналарида ёқи бошқа объектларда ёқилги сифатида шина, битум, мазут, плёнка, синтетик картон, резина ва бошқа шунга ўхшаш компонентларни ўз ичига олган чиқиндиларни ёққанлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонунни тайёрлаш жараёнида хорижий давлат тажрибаси ҳам чуқур ўрганилди. Таҳлилларга кўра, жумладан, Германия, Франция, Туркия, Польша, АҚШ каби илғор давлатларда ҳам, МДҲ мамлакатлари – Россия, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистонда ҳам юридик шахсларга нисбатан катта миқдордаги молиявий санкциялар назарда тутилган.

Мисол учун Германияда дарахтларни кесганлик ва атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун, бизнинг миллий валютаимизда ҳисоблаганда, 7 миллиард сўмгача жарима, Польшада кум-шағални ноқонуний қазиб олганлик учун 3,3 миллиард сўмгача жарима белгиланганлигини кўриш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳоли учун экологик жиҳатдан янада қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантиришга, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ҳар қандай қонунбузилиши учун жавобгарлик муқаррарлиги принципига риоя этилишига ҳамда экологик маданиятни шакллантиришни таъминлашга хизмат қилади.

■ ■ ■ **Менда таклиф бор**



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аввало, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, маъмурий жавобгарлик тизимида шаффофлик, рақамлаштириш ва профилактикага алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, ҳар бир давлат ўзининг миллий хусусиятлари, анъана ва ижтимоий шароитларини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчилигини шакллантиради.

Шу нуқтаи назардан, илғор халқро тажрибани миллий қонунчиликка мослаштирган ҳолда жорий этиш муҳим вазифалардан биридир. Зеро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш — фақат қонун нормаларини ўзгартириш эмас, балки жамиятда адолат, тартиб ва ҳуқуқий онгни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли жараёндр.

Жазо тизимини адолатли шакллантириш, рақамлаштириш кенг жорий этиш, профилактикага устувор аҳамият бериш ва инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш орқали ушбу кодексни янада амалга ошириш мумкин. Хусусан, кодекснинг 41-моддасида маъмурий жазо турлари, жумладан, жарима қўллаш тартиби белгиланган.

Бироқ айрим ҳуқуқбузарликлар буйича белгиланган жарималар миқдори бугунги иқтисодий шароитга тўлиқ мос келмайди. Масалан, майда безорилик ёки жамоат жойларида тартиб бузиш ҳолатлари учун белгиланган жарималар баъзан ҳуқуқбузар учун сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Натижада бундай ҳуқуқбузарликлар яна қайта содир этилиш ҳолатларига дуч келинмоқда. Шу сабабли:

- жарималарни базавий ҳисоблаш миқдорига боғлиқ равишда автоматик индексация қилиш;
  - такрорий ҳуқуқбузарликлар учун жазони кучайтириш;
  - ижтимоий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, дифференциал жарима жорий этиш таклиф этилади.
- Бундан ташқари кодекснинг 183-моддаси (майда безорилик) амалиётда энг кўп қўлланиладиган норма-белгиланган жазо чоралари айрим ҳолларда ҳуқуқбузарликнинг оғирлиғига нисбатан етарли даражада эмас.
- Шу боис ушбу моддани қайта кўриб чиқиш лозим. Айниқса:
- жамоат жойларида ҳақоратли хатти-ҳаракатлар;
  - тинчликни бузиш ҳолатлари учун жазо чораларини кучайтириш зарурати мав-

жуд.

Шу билан бирга, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолатларда огоҳлантириш ёки жамоат ишлари каби муқобил чораларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, назаримизда.

Шунингдек, судларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси (йўл ҳаракати қоидаларини бузиш) бўйича ишлар сони бирмунча юқори. Бу эса, соҳада рақамлаштириш имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали самарадорлиқни ошириш мумкин деган хулосани беради. Чунки:

- автоматик фото ва видео қайд этиш тизимларини кенгайтириш;
  - жарималарни онлайн кузатиш ва тўлаш имкониятларини соддалаштириш;
  - ҳайдовчилар учун ягона электрон тарих (рейтинг) тизимини жорий этиш чораларини инсон омилини камайтириш ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.
- Ушбу кодекснинг 245-250-моддаларида маъмурий иш юритиш тартиби орқали ушбу кодексни янада амалга ошириш мумкин. Хусусан, кодекснинг 41-моддасида маъмурий жазо турлари, жумладан, жарима қўллаш тартиби белгиланган.

Бироқ айрим ҳуқуқбузарликлар буйича белгиланган жарималар миқдори бугунги иқтисодий шароитга тўлиқ мос келмайди. Масалан, майда безорилик ёки жамоат жойларида тартиб бузиш ҳолатлари учун белгиланган жарималар баъзан ҳуқуқбузар учун сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Натижада бундай ҳуқуқбузарликлар яна қайта содир этилиш ҳолатларига дуч келинмоқда. Шу сабабли:

- жарималарни базавий ҳисоблаш миқдорига боғлиқ равишда автоматик индексация қилиш;
  - такрорий ҳуқуқбузарликлар учун жазони кучайтириш;
  - ижтимоий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, дифференциал жарима жорий этиш таклиф этилади.
- Бундан ташқари кодекснинг 183-моддаси (майда безорилик) амалиётда энг кўп қўлланиладиган норма-белгиланган жазо чоралари айрим ҳолларда ҳуқуқбузарликнинг оғирлиғига нисбатан етарли даражада эмас.
- Шу боис ушбу моддани қайта кўриб чиқиш лозим. Айниқса:
- жамоат жойларида ҳақоратли хатти-ҳаракатлар;
  - тинчликни бузиш ҳолатлари учун жазо чораларини кучайтириш зарурати мав-

**Дилшод ЭШМАТОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Пахтачи тумани суди тергов судьяси



фаолиятини, гўёки ҳеч нарса бўлмагандек, давом эттирмоқда. Оқибатда айрим санонат ва қурилиш корхоналарида “жаримани тўлаш арзонга тушади” деган фикр шаклланимоқда.

**Учинчидан**, ҳудудлардаги айрим иссиқхоналарда ишлатиб бўлинган шиналар, битум, мазут, плёнка, синтетик картон, резина, жун толаси каби чиқиндиларни ёқиш ҳолатлари учраб туради. Бундан атмосфера ҳавоси жиддий ифлосланмоқда.

Айни муаммолар оқибатида атроф-муҳит, ҳайвонот ва наботот дунёсига, шунингдек, аҳоли саломатлигига салбий таъсир тобора ортиб бормоқда.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига қў-

шахсларга нисбатан тегишли молиявий санкциялар белгиланмоқда. Хусусан:

- дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва киргоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузганлик учун (атроф-муҳитга етказилган зарарнинг 3 баравари миқдорига);

- сувларни ифлослантирганлик, шунингдек, сув объектларига оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузганлик учун (атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг 10 баравари миқдорига);

- дарахтлар ва буталарни қонунга ҳилоф равишда кесганлик, қундаков қилганлик, шикастланганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик, шунингдек, уларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаганлик учун (кам қийматли навлар учун — атроф-муҳитга етказилган зарарнинг — 5 баравари, қимматбахо навлар учун эса, 10 баравари миқдорига);

- ифлослантурувчи моддаларни йўл қўйилмаган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб

ларни ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик (жумладан, шина, битум, мазут, плёнка, резина, жун толаси ва бошқалар) ёқиш ҳолати учун (атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг 5 баравари миқдорига);

- саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиати муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун (чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўланиши лозим бўлган компенсация тўловининг 5 баравари миқдорига) жарималар белгилаш кўзда тутилмоқда.

Бунда, юридик шахслар ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганда, молиявий санкция Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси томонидан қўлланилиши ҳамда низо мавжуд бўлган тақдирда ёки юридик шахс молиявий санкция қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддатда молиявий санкция суммаси-

**талабини англаш**

**турли хил низоларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади**

Мисол учун даъвогар Кадастр агентлиги Жиззах вилояти бошқармаси жавобгар Ш.Х. га нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани буздирди ва ерни яроқли ҳолатга келтириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.



Маълум бўлишича, даъвогар томонидан ер майдонларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишининг аҳоли ўрганилганда, жавобгар Ш.Х. Бахмал тумани ҳудудида ўзбошимчалик билан 180 квадрат метр ўлчамдаги ер участкасига уй-жой қуриб олганлиги аниқланган. Мазкур ноқонуний қурилмани бартараф этиш юзасидан жавобгарга огоҳлантириш хати берилган. Аммо ноқонуний қурилма унинг томонидан ихтиёрий равишда бартараф этилмаган. Шу сабабли даъвогар судга мурожаат қилган.

рияти юклатилган.

Жавобгар Ш.Х. қурилмани у қурмаганлиги, қурилма онаси М.Х. томонидан қурилганлиги ҳақидаги ваз келтирилганлиги сабабли апелляция инстанция суди биринчи босқич суди қоидаларига ўтиб, ишга М.Х.ни жалб қилган.

Кадастр агентлиги Бахмал тумани бўлимининг 2025 йил 8 октябрдаги қарорига кўра, фуқаро М.Х. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 3-қисми билан ҳуқуқбузар деб топилиб, унга нисбатан маъмурий жарима жазоси қўлланилган.

Жиззах вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2025 йил 8 октябрдаги ажрими би-

лан суднинг ҳал қилув қарори хулоса қисмида жавобгар сифатида М.Х. кўрсатилиб, суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўз навбатида, судда жавобгар М.Х. уй-жойни аҳоли пункти ер майдонидан қурганилиги, бу қурилмага нисбатан “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун талабларига асосан мулк ҳуқуқи берилиши кераклиги ҳақида ваз келтирган.

Лекин жавобгар М.Х.да ер ажратиш ҳақида ваколатли орган қарори мавжуд эмас, ер участкаси чегараси жойида белгиланмаган ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Шу каби ер майдони ва бино-иншоотга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмаган ёки мазкур қонун татбиқ этилиши мумкин бўлган ер тоифаси ёхуд бино хатловдан ўтказилмаганлиги сабабли Жиззах вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 13 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилди.

Худди шу каби ҳолат: Жиззах шаҳар прокуратураси шаҳарнинг Ўратепалик маҳалласида жойлашган “Зиннур маркет” биносига туташ, шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган худуддан жавобгар И.М. ўзбошимчалик билан 117,25 квадрат метр ўлчамдаги ер участкасини

эгаллаб олгани ҳамда енгил турдаги айвон ва бир қаватли бино қургани юзасидан судга даъво ариза киритди. Даъво аризада жавобгарга ноқонуний қурилмани бузиш мажбуриятини юклатишни сўради.

Суд қарори билан мазкур қурилма жавобгар ҳисобидан буздирилиши белгиланди. Мазкур иш жавобгарнинг шикоят асосида вилоят судининг тафтиш инстанциясида ўрганиб чиқилганида ҳам, жавобгар ҳеч қандай ҳужжатларсиз ер майдонини эгаллаб, қурилиш қилиб олганлиги ўз тасдиғини топди.

Айтмоқчимизки, ҳар бир фуқаро муҳим бир ҳақиқатни унутмаслиги керак: қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди. Бу фикрни бежизга айтаётганимиз йўқ. Вилоят суди, фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан ўтган йил давомида ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларни бузиш билан боғлиқ жами 928 та фуқаролик иши кўриб чиқилган. Уларнинг 788 таси ёки 85 фоизи қаноатлантирилган. Мухтасар қилиб айтганда, қурилиш ишларини амалга оширишда турли гап-сўзларга эмас, балки амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ иш юритиш муҳим. Шунда одам турли муаммоларга дучор бўлмайди, ортиқча чиқимларга учрамайди.

**Нодиржон РАСУЛОВ,**  
Жиззах вилояти суди раиси ўринбосари – фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Отасидан келган қорахат уни соғлом одамлар орасидан юлиб олди, ота дардида бедаво касалга чалиниб, ўн гулидан бир гули очилмай дунёдан ўтиб кетди. Жойи жаннатда бўлсин.

Иккинчи қорахат Толиб карвоннинг ўғли Муҳсин акадан келди. Раҳима опанинг гапига қараганда, Тўхтабек акадан «бедарак кетди», деган хабар келган. Абдуллабек акадан бирон хабар келганини эшитганим йўқ. Урушга кетган қариндошларимиз ичида амманнинг кичкина ўғиллари, менинг поччам Ҳамид ака эсон-омон 1946 йилнинг охирларида қайтиб келди, холос.

Тўхтабек ака, Абдуллабек акалар билан нима бўлгани ҳалигача номаълум. Ўқимишли, офицер одамлар агар омон бўлишса, йўлини топиб ўзларидан хабар беришарди. Омон бўлиб, бирон чет мамлакатда кўним топишган бўлса, умрлари узоқ бўлсин, бола-чақаларининг роҳатини кўришин.

1944 йилнинг охирларида келиб, турмуш бироз енгиллашгандек бўлди. Нон магазинларида ҳафтада бир марта оқ нон бериладиган бўлиб қолди. Бозордаги озиқ-овқат магазинларида тухум порошоги сотила бошлади. АҚШники экан. Товага бир қошигини солсанг, кўприб, шишиб тайёр куймоқ бўлиб чиқади. Аммо барибир ҳаёт оғир эди. Очликдан шишиб ўлганлар камаймасди. «Чўлтоқ арава» минганларнинг сони эса борган сари кўпайиб борарди.

Ўша йили офицерлар уйига сут олиб борган кунларимнинг бирида бир офицер ўз хотинини отиб қўйганини эшитдим. Офицерлар ўзининг ҳовлисида одам кўп эди. Ҳамма шу фожияни муҳокама қиларди. Биров хотинни оқолаб, офицерни айбласа, биров тамомлаб тескарисини айттарди — хотинни айблаб, офицерни оқларди.

Эрига бевафолик қилган аёллар уруш йиллари бўлди, албатта. Қийинчилик, ёлғизликка чидашолмади. Ях-



Тарих тилсимлари

## Қизимга мактублар

ши яшашлари, кийингилари келди. Аммо аёлларни алдаган фирибгар эркаклар ҳам ўша йиллари оз эмас эди.

Шуларни мен ўйлаганимда, уруш тугаб, ўн-ўн беш, ҳатто ўттиз йиллаб ўз турмуш ўртоқларини кутган аёллар таҳсин ўқимиз келади. Улар — фаришта аёллар. Улар жаннати. Уларнинг ҳар бирига олтин ҳарфлар билан исмлари ёзилган ҳайкал қўйса, арзийди. Шундай аёлларнинг фарзандлари ўз муътабар оналари билан фахрланишлари керак. Уларни унутмай зиёрат қилиб туришлари, омон бўлсалар, уйнинг тўрига ўтказиб, дуоларини олишлари керак.

Ҳақимбек амакимнинг катта қизи Карима опа, Аҳмад акамнинг умр йўлдошлари Назира келиноийим ана шундай аёллардан эди. Улар, улар кабиларнинг ҳаёти авлод-авлод қизларга вафо, садоқатда, меҳнат ва сабр-тоқатда узоқ йиллар ўрнат бўлади.

Юқорида айтиб ўтиб кетдим. Уйимиз рўпараси ҳарбий казарма эди. Фронтга, умуман, ҳарбий хизматга қақрилганлар ҳаммаси Ўзбекистон вилоят, туманларидан ўз кийимла-

рида, елкаларига қопчиқлари, тўрваларини ташлаб, тўп-тўп бўлиб офицерлар бошчилигида шу казармага кириб кетишар, ўлар ҳафта ўтар-ўтмас, мутлақо бошқа қиёфада, солдат кийимида, соч-соқоллари олдирилиб (фақат мўйловга рухсат беришарди), теп-текис, ихчам, ёш йигитлардек яна тўп-тўп бўлиб, аммо энди бир оҳанда қадам ташлаб чиқишарди. Уларни кутган ота-оналари, умр йўлдошлари, болалари «тап-туп», «тап-туп» қадам ташлаб чиқишаётганда кенг, ёғоч дарвозанинг у ёқ-бўёғида югуриб қолишарди. Чунки уларни таниши солдатларнинг ўзлари қақриб, ёнларига олардилар. Казармадан чиққан солдатларнинг борадиган йўллари битта — вокзал эди. Баъзан казармага келтирилганлар халқ билмайдиган сабаб билан икки-уч ой қолиб кетишарди. Аммо бундай воқеа камдан-кам бўларди.

Казармада уларни ювинтириб, кейин бирин-кетин оддий солдат тартибларига, ҳарбийча юриш, курол-аслаҳа тутишни ўргатишарди. Бу ердан олиб кетиб, Оренбургдами, Саратов ёки Куйбишевдами уч-тўрт

ой уруш қонун-қоидалари билан таънаштириб, фронтга жўнатишарди.

Ўз яқинларини кузатиб келганлар уларни солдатча кийинтириб, вокзалга олиб кетишмагунча казарма дарвозаси тагида ўтиришарди. Биз, болалар, уларга сув, чой таширдик. Бир-иккита бола аввал сувни ҳам, чойни ҳам сота бошлади. Чой деяман-у, у чой эмас, олма, олча қоқилари билан жиндай қизарган, сарғайган чучмал иссиқ сув эди.

Дадам буни эшитиб қолиб, уришиб бердилар. Ўзлари кўчага чиқиб, икки табақали эшигимиз олдида казарма дарвозасига тикилиб ўтирган чол-кампира, ёш аёл, болаларни ҳовлига таклиф қилдилар. Ҳаммаларига сув, чой бердирдилар. Шундан кейин уйимиз доим уришга қақрилган одамларнинг яқинлари билан тўла бўладиган бўлди. Биз болалар эса, бўш қолдикми ёки казарма олди одамларга тўлдими, дарҳол чойнак, кружка, стакан кўтариб, уларнинг олдига йўл олардик. Чанқовларини босиб, озгина бўлса ҳам, ташвишларини енгиллатишга интилардик. Улар дуо қилардилар. Ким билади, қизим, балки уларнинг тилақлари, астойдил қилган дуолари билан мен яқин-яқингача касал нималигини билмадим, опанг билан турмушимиз ҳар ҳолда ёмон ўтмади...

Кечқурун эса, нокнинг остидаги сўри одамларга тўлиб кетарди. Уларни дадам, оймилар қақриб, тонггача — солдатлар эрталабки машқларини бошлагуларича мизғиб олишни таклиф қилишарди. Битта биз эмас, Гофуржон ака, амаким, аммамларнинг улариди ҳам ўз яқинларини кузатиб келганлар ётиб чиқишарди. Ўзбекми, ўрисми, қозоқми, татар ё арманими — ҳеч ким бунинг фарқига бормасди. Кейин турли кийим, қиёфада казармага кириб кетганлар солдат кийимида, бошларига кўндирилган қизил пилоткада бир ота-онанинг фарзандларидек бўлиб чиқишарди.

(Давоми келгуси сонда)

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундай пайтда низоли битимлар ва уларни ҳақиқий эмас, деб топиш масалалари кун тартибига чиқади.

Битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Гаров тўғрисида», «Ипотека тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимдан фарқи равишда, низоли битим битим тузилган пайтидан бошлаб эмас, балки низоли битим суд қарори бўйича уни тузиш ёки суд қарорини чиқариш пайтидан бошлаб ҳақиқий эмас, деб топилади. Битим қуйидаги ҳолатларда, яъни:

- ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан;

- муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан;

- ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмай-диган фуқаро томонидан;

- янглишиш таъсирида;

- алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вақилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида;

- юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиққан ҳолда;

- тузиш ваколатларини чеклаш оқибатида тузилганда, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Битимни ҳақиқий эмас, деб топиш учун икки элемент бир вақтининг ўзида мавжуд бўлиши талаб этилади. Бунда,

**биринчидан**, асоснинг мавжудлиги, **иккинчидан**, талабнинг унга ҳуқуқи бор шахс томонидан илгари сурилганлиги тақозо этилади.

Низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш Фуқаролик кодексига кўрсатилган шахслар томонидан тақдим этилиши мумкин. Агар суд муҳокамаси давомида даъвогарда низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас, деб то-

солиқ қарздорлиги мавжудлиги аниқланган ва у тўлов қобилиятига эга бўлмаганлиги учун банкрот деб эълон қилинган.

Аниқланишича, масъулия чекланган жамият солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи борлигини бида туриб, қонун ҳужжатларига зид равишда фермер хўжалигига фозисиз моддий ёрдам сифатида пул маблағи ўтказган. Бу қонун талабига зид ҳолат саналади.

тарафнинг аризасига асосан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсақ, кўчмас мулк олди-сотди шартномасига асосан хусусий корхона эътибор банкдаги ҳисоб рақамига тегишли миқдордаги пул маблағини ўтказиб берган. Бироқ кўчмас мулкка таъқиқ солинганлиги ва суднинг ҳукми билан зарарни қоплаш-

366-моддаси иккинчи қисмига кўра, нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса, шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 111-моддаси биринчи қисмига кўра, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар, хусусан, бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлиги белги-ланган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 112-моддаси биринчи қисмига кўра, битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Шунга кўра, кўчмас мулк олди-сотди шартномаси хусусий корхона талабига асосан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилди, тўланган пул маблағларини қайтариш ҳақида қарор қабул қилинди.

Буларни баён этишдан мақсад шуки, қонун талабларига асосан тузилган битим тарафларга бирдек манфаат келтиради, ортиқча оворани гарчилик ва асаббузарликка сабаб бўлмайди. Буни доимо ёдда тутиш лозим.

Х. УМАРОВ,

Наманган туманлараро иқтисодий суди судьяси



пиш тўғрисида даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги аниқланса, даъвои қаноатлантириш рад этилади.

Шу ўринда ҳаётини ми-солларга эътибор қаратсақ, масъулия чекланган жамият фермер хўжалигига шартнома асосида вақтинчалик фозисиз молиявий ёрдам сифатида пул маблағи ўтказиб берган. Кейинчалик масъулия чекланган жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра,

Шу боис тугатиш бошқарув-чисининг талабига кўра, иқтисодий суд томонидан масъулия чекланган жамият ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган битим ҳақиқий эмас, деб топилди.

Ваҳоланки, агар юридик шахс ўзида банкротлик аломатлари мавжудлигини бида туриб, бошқа юридик шахсга қайтармаслик шарти билан молиявий ёрдам кўрсатса ва бу ҳақда у билан битим тузса, бундай битим манфаатдор

га қаратилганлиги учун олди-сотди шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва кўчмас мулк хусусий корхонага номига расмийлаштириб берилмаган.

Ўз навбатида, бундай ҳолат хусусий корхонанинг кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги талаб билан иқтисодий судига мурожаат этишга сабаб бўлган.

Фуқаролик кодексининг

### Мулоқот

## Савол беринг, жавоб берамиз

— Илтмос, судга ишга тиклаш тўғрисида ариза бериш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

О. РЎЗИЕВ,

Чироқчи тумани

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 189-моддасида ишга тиклаш ҳақидаги аризанинг шакли ва мазмуни белгилаб қўйилган.

Унга кўра, даъво аризасида суд номи, тарафлар ҳақидаги маълумотлар, талаб мазмуни ва уни асословчи ҳолатлар кўрсатилиши шарт.

Яъни аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ариза берилётган суднинг номи;

2) даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реkvизитлари, шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили;

3) жавобгарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реkvизитлари;

4) даъвогарнинг талаби;

5) агар даъво баҳола-ниши керак бўлса, даъво-нинг баҳоси;

6) даъвогар ўз талаби-га асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва даъвогар томонидан баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

7) жавобгар билан низоли судгача ҳал қилиш

— Агар аниқ муддатда белгиланган суд мажлисига иш берувчи ёки ходим келмай қолса, ишни кўриш келимига қолдириладими ёки бунинг аҳамияти йўқми?

Э. БОЗОРОВ,

Баҳмал тумани

— Ҳа, ҳаётда баъзан шундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Амалдаги қонунларда бунинг ечимини ўз ифодасини топан.

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 221-моддасига кўра, тарафлар узрсиз сабабларга кўра, суд мажлисига келмаган тақдирда, агар уларнинг биттасидан ҳам ишнинг ўзининг иштирокисиз муҳокама қилиш тўғрисида ариза тушмаган бўлса, суд иш муҳокамасини кейинга қолдиради.

Тарафлар иккинчи қақриув бўйича узрсиз сабабларга кўра, келмаса, суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

Фақат даъвогар иккинчи қақриув бўйича узрсиз сабабларга кўра, кел-маса, суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

Ушбу кодекснинг

Саволларга Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси Икром Алманов жавоб берди.

### МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

### Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.



### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ  
Алишер УСМАНОВ  
Акрам ШУКУРОВ  
Шухрат ПОЛВАНОВ  
Маликаҳон ҚАЛАНДАРОВА  
Холмўмин ЁДГОРОВ

### Саҳифаловчи:

Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида офсет усулида босилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота  
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 5750  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20<sup>30</sup>. Топширилди: 21<sup>40</sup>.